

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

• БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА •



ОНАСИ ВА ОНА-ҚИЗ

Абдул Фани ЖУМА сурати

УШБУ СОНДА:

ПАЙҒАМБАРЛАР
ҲАЁТИДАН

4-БЕТ

АБДУВАЛИ
ҚУТБИДДИН:

Ё ЖОНИМ

МУҲАББАТ,

СИМ-СИМ-ЭЙ,

СИМ-СИМ

6-БЕТ

МИРЗА ХОЛМЕДОВ:

БИЗДА УЙ ҲАМ,
КЎЧАЯМ ХАНДОН

8-БЕТ




Кейинги
сонларда:

ШОМАҲМУД
ШОРАҲМЕДОВ

«Мен бир дарё
бўлиб йиғлайман»

АЛИЖОН
ЕТМИШБОВ

«Бошқа совчи
юборманг»



НИМАЛАРНИ УЙЛАЯПСАН, ДУСТИМ!..

Х. МИРЗАКАРИМОВ сурати

Халоллик ва покликка тимсол, диёнатли инсон Мавлон бобо Нурназаровни ғужбоғликлар давраларда, кўча-кўйларда тез-тез эслаб туришди. Мавлон бобо ўн уч фарзанд тарбиялаб, эл-юртга дастёр қилди.

Бобо сира аччиқланмас, ҳамisha мулойим кулиб турар, энгил ҳазил-мутойиба билан гапирар эди.

— Ҳозир ҳамма: болаларимиз ахлоқ ёмон деб қақшагани-қақшаган. Нега? Негаки...

Болалигимизда ота-онамиз ҳам, кўча-кўйдаги катта-кичик ҳам мудом бизга: «Узингдан каттани ҳурмат қил, ўғирлик, ғарлик, босқинчилик қилма. Тепангда худо бор, у ҳаммасини кўриб туради», дейишарди.

Ҳозирги кўп ёшларнинг ўзигина эмас, ота-онаси ҳам бедин, беимон. Худоси — пул. Ахир, имони бут одам жаннати бўлади.

Мавлон бобонинг гаплари дардли ғуссам (қиссам)ни кўзатиб юборди: «Мен коммунистик партияни яқин-яқингача худди диний муқаддас, мустақкам деб билардим. Партиядан худодан қўрққандек қўрқардим. У ҳамма нарсани кўриб, билиб туради, деб ўйлардим. Лекин ҳаётимда жуда кўп адолатсизликларни кўрдим, ноҳақ жабрларни тортидим. Ҳақиқатдан — пул қудратли экан. Гуноҳсизни гуноҳкор, гуноҳкорни оппоқ қилиши мумкин экан. Партия аъзоларини — коммунистларни хуллас, ҳар бало қилиш мумкин экан. Эҳ-хе, бунақа савдоларнинг қанчасини кўрмадим! Буларни бир мен эмас, ҳаммакўрди, ўз бошидан кечирди. Шунинг учун одамлар имонни ютиб, ҳалолми-ҳаромми пул тўплашга тушиб кетдилар. Бу ахлоқсизликларга манба бўлди.

Кўзимдан ёш тиркиратиб, зирқиратган хотира-хаёлдан Мавлон бобо кўтқарди:

— Бир воқеани айтиб берай, бўтам. Ўн бир-ўн икки ёшларда бўлсам кетдик. У пайтларда даштда баҳорикор бугдой экиларди. Мен отлар билан хўп ҳайдардим. Кексалар хирмон совуришарди. Дон уюм-уюм эди. Уйимизда эса ҳамма бир парча нонга зор эди. Бир кун тушлик маҳали гўринг нурга тўлгур Ҳайдар бобо: «Кейинлар, бир иш қилайлик, — деб қолди, — қаранглар, бугдой қанчалик кўп. Ўн қоп олсанг ҳам билинмайди. Мавлонларнинг уйи яқингина, ўра қазиб, 5-6 қоп донни яшириб қўяйлик, ким ҳам билиб ўтирибди. Урим тугагач, бўлишиб оламиз. Нима дейсизлар?»

Бу гапга кўпчилик рози бўлгандек бўлди. Очарчилик айна авжида эди-да. Ҳаммалари розилик сўраб менга

қарашди. Мен, отам уришади, сўраб кўрайчи, дедим.

Кечқурун отамга бор гапни айтдим.

Отам: «Биринчидан, бизни авлоддан ўғри чиққан эмас, — дедилар босиқлик билан: Бу нарса — ўғирлик! Шунча йил ҳалол яшаб, энди тўрмидан гўрим яқин қолганда «ўғри» деган тавқи лаънатни олишни истайман. Иккинчидан, у дон — кўпнинг ризқи. Кўпнинг ризқи юқмайди, барибир бир куни тешиб чиқади. Бир пайтлар омборим тўла дон бўларди, уни ҳам пешона терим билан топангдим, шўро тортиб олди. Шукур, ўлганим йўқ. Учунчидан, тепада худо кўриб турибди. Ўғирлик қилманглар. Кўп нима бўлса, биз ҳам шу!»

Бу гапни хирмон бошидагиларга айтгандим, ҳаммаси уялиб, ер чизиб қолди. Ҳеч ким бир сиқим донгаям хиёнат қилмади.

— «Ҳа, бўтам, у пайтларда бир мен эмас, деярли ҳамма шундай тарбия кўрганми. Чекка-чеккадаги молхоналарда болорлик ёғочлар ётарди. Ҳеч-ким олмасди. Қолбуки ҳамма ёғочга зор эди. Бир куни Ойдинкўл этагига товуххона қурмоқчи бўлдик. Лекин йўл лойгарчилик бўлгани туфайли қурилиш майдонигача етиб боролмадик, машиналаримиз ботиб қолди. Ёғочларни ағдариб, ташлашга тўғри келди. Зўр-базўр машиналарни чиқариб олдик. Ёғочлар эса бутун қиш давомида ўша ерда қолиб кетди. Баҳор охирироғида бориб кўрсак ҳаммаси турибди. Қолбуки, қишлоқлар яқин, одамлар чўпга зор эди. Ана диёнат!

Одамларни динга, диёнатга қайтарган маъқул. Қуръони каримини, пайғамбарлар ҳадисини билган пас номақбул ишга қўл урмайди, бад ҳаёлларга бормайди, аксинча эзулик тўғрисида ўйлайди.

Ҳа, бобо ҳақ. Аммо сўхбат бўлиб ўтган кезларда ҳали бунга тўла йўл очилмаган эди. Афсус... Мавлон бобо юрт озодлигини кўролмади, қолбуки уни жуда-жуда орзу қиларди. У кишидан жуда кўп матлуб гаплар эшитганман, ҳаммаси эсимда, вақти соати қелгач ундан сизларни ҳам воқиф этаман. Улар босиб ўтган йўл биз учун ибрат, уларнинг сўзи, маслаҳати дурданда қиммат.

Етти кун

ПОЛВОННИНГ СЎЗИ ҚАЙТДИ

Хоразм полвонларидан бириси катта давраларда елкаси ер искамай юрган замонларда қўшхотинликини қўмсаб қолган ва уч боласи устига иккинчи хотин олган, кўз очиб кўргани бунга кўника олмай хонадондан бош олиб чиқиб кетганди. У қайта эрга тегмай, болаларини ўстирди, қиз чиқарди. Тақдирни қарангки, полвоннинг суюб олган иккинчи хотини барвақт бандаликини бажо келтирди. Қартайган пайти кампирсиз яшай олмаслигини билган полвон биринчи хотинига тағин одам қўйдирди. Аммо ор-номусли хотин собиқ эрининг сўзига рад жавоб берди. Полвон нима қилишини билмай ҳайрон.

ЭЛИНГДАГИ — БЕЛИНГДАГИ

Ҳозир ўртаҳол ёки камхарж одам бирор дардга чалинса-ю (худо кўрсатмасин!) ва уни даволаш учун милён ёки ундан кўп пул зарур бўлиб қолса, ёрдам сўраб қайга боради! Термизлик фуқаро Саломат Шаронова оғир дардга йўлиқиб даволаниш учун етарли миқдорда пул тополмай қийналарди.

«Сурхон тонги» газетида шу ҳақда изма-из иккита мақола чикди. Савобталаб одамлар кўп экан — беш-ўн минг рубллаб ўтказишди. Энг зўр саховатни эса Сурхондарё вилоят маиший-қурилиш таъмирлаш хизмати трести жамоаси ҳамда унинг олийжаноб етакчиси Т. Холтўраевлар кўрсатди. Улар ўз жамғармаларидан 1 милён рубл Саломат опанинг Новосибирск, шикастланганлар ва ортопедик илмий-текшириш марказида даволаниши учун ҳада қилишди.

ДОМЛА ҲАЛИ БАРДАМ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти совриндори, Езёвон тумани фахрий фуқароси Саид Аҳмад бошчилигида бир гуруҳ таниқли адиб ва шоирлар Езёвон туманида бўлишди. Ташриф буюрганлардан сеvimли адиб Уткир Ҳошимов ва машҳур танқидчи ОзоД Шарофуддиновлар Сарсонқумдаги Зикриё Ғаниев номли жамоа хўжалиги аъзоллигига қабул қилинди. Уларга хўжалик меҳнат дафтарчаси топширилди.

Туман ҳокими Ҳусанбой Аҳмадалиев, Жамоа хўжалиги раиси Ҳайдарали Мамажонов меҳмонларга биттадан этак улашди. Меҳмонлар пахта теримини бошлаб бердилар. Дарвоқе, Саид Аҳмад домла этак олмади. «Этакни ёшлар — Озоджон билан Уткиржон кўтарсин, мен шуларни кўриб навбат билан соламан», деди у киши. Домла ҳали бардам экан.

БИР ЯРИМ МИЛЕНЛИК УСТА ҲАҚИ

иштихонлик бир соҳибнинг уйини зийнатлашга байлашган нурободлик уста Жуманазар Ҳазратга тегади. Уста ишни бир ойда яқунлашни мўлжаллапти.

КАЛИШСИЗ ЭКАН

Нуротанинг Оқтуяли қишлоғида бир ака-уканикига ўғри тушди. Савдо ходими бундан аканинг хонадониндан 200000 рублнинг ўмариб, қоровул уқанинг уйига шошган ўғри қўлга яланғулик ҳеч вақо топмай... оёғига илгинини кишиб қочди. Илгангоёқ қолган уй бекаси: калиш энди эгасини топди, деб эркакча гап қилди.

ТАЛАБАЛАРГА «СЮРПРИЗ»

«Талабалар шаҳарчаси»да беш минг ўринли стадион тантана билан очилди. Очилиш маросими ТДТД ва ТошДД домла ва талабаларнинг қувончи билан бошланги қувончи билан тугади. Энди бундан буён талабалар «бекорчи қаўтларини»ни уйқугамас спортга сарфлайдиган бўлишди.

«БОЛ» ҚЎШИЛГАН ОШ

«Талабалар шаҳарчаси» ошхоналаридан бирида пишди. Пишди-ю... ошпаз қўлида «ўйнаётган» капгир билан бир талабанинг ошига қўшилди. Талаба энди айтмоқчи эди, бироқ ошпаз бўёғини келиштирди: «ари экан, боли ошни ширин қилади».

«ОЧЛИК МЎЪЖИЗАСИ»

«Насаф» нашриёти яқинда машҳур ғарб рўхшуноси Пол Брегнинг «Очлик мўъжизаси» китобининг ўзбекча таржимасини чоп этди. Китобда тан сиҳатлигига эришиш, руҳ озодлигини таъминлаш мисоллар билан исботланган.

Яна нашриёт ёш шоира Зилола Хўжалиёвонанинг «Юрагимда бир гул ўсади», шеърий китобини ҳам чоп этди. Икки китобда ҳам муштарак жиҳат инсон баркамоллигига бориб тақалади.

«СПИД-ИНФО»НИНГ БАҲОСИ

Машҳур, шов-шувларга сабаб бўлаётган, «обру» топаётган газет «СПИД-ИНФО»нинг атрофидаги «шовкин-суронлар» унинг баҳосини оширди. Метро бекатларида газет янги сонининг атиги бир донаси 650, сўмга сотилмоқда.

Вақт эрталабки соат ўнлардан ошган туфайли трамвай салоиди одам сийрак. Олд томондаги бир нафар, орқа томондаги тўрт нафар йўловчини ҳисобга олмаганда, ҳамма салоиди ўриндиқларга бемалол жойлашиб олган, ҳар ким ўз ўйи билан банд. Трамвай бекатдан жилган ҳамоно

Йигит яна ўз жойига бориб турди. Лекин салоидидагилар нимадандир хавотирлангандек дам йигитга, дам йигитларга кўз ташлашарди. Бу унсиз қарашлар замирида қандай ўй этганини йигит яхши биларди. Шунинг учун трамвай янги бекатда тўхтаб, ҳалиги йигитлар тушаётганида йигит ҳам ту-

қилиб кетаверса бўлмасмиди? Йўқ, бўлмасди! Йигит ўзининг ахлоқий камолатига кўра, бундай ахлоқий қаддликка индамай туролмасди. Унинг қалбига жунбушга келган Ҳамият бу хил лоқайдликка йўл қўёлмасди мутлақо! Мулоҳазакор ҳар бир кишида ҳа-

Ҳамият қадимдан то ҳануз зулм, истибод, зуравонлик, хўрлаш, камситиш, таққир, ҳақоратнинг ашаддий душмани бўлиб келган ва башарият бор экан, айна шундай бўлиб қолаверади. Олис ўтмишни қўйурайликда, нисбатан яқин мустамлакачилик даврини кўз ўнгимизда таваллақчилик райллик. Деярли бир ярим аср давом этган бу машъум даврда, айниқса, Қизил империя даврида халқимизнинг асарлар синовидан ўтиб, сайқал топиб келаётган ҳамияти оёқ ости қилинди, унинг ўрнига усти ялтироқ, ичи қалтироқ тузум корчалонларининг ҳар қандай амру фармонини қулоқ қоқмай адо қилиш, шахслар, диндорлар ва миллат қадр-қимматини, шаън-шарафини, ор-номусини, ориятини турли йўл билан таққирлаб тўғашларга қулларча чидаш, ёлғиз «Ўзинг учун ўл етим!» қабилида иш тутуш хислати тарбиялаб келинди.

ҲАМИЯТЛИ ЭЛНИНГ

орқа тарафда гурунглашиб келаётган тўрт йўловчидан бири салон оралаб ўтиб ўрта ўриндиқлардан бирига ўтирган кўхликкина қизнинг ёнида тўхтади-да, унга нималарнидир гапирга бошлади. Аввалига қиз буй-баста келишган, башанг кийинган бу хўшсурат йигит сўзларини бепарвогина тинглади. Кейин негадир авзойи узғариб, чехрасида безовталиқ аломатлари кўрина бошлади. Бир маҳал йигит қизнинг қўлидан тортиб:

— Туринг, пастга тушиб гаплашамиз, — деди.

— Қанақа одамсиз ўзи? Қўлимни қўйворинг! Сиз билан гаплашадиган гапим йўқ. Боринг, йўлингиздан қолманг!

Бу машмашани кўриб турган ён-вериди йўловчилардан лоқал бирораси ҳам миқ этмади. Зуравонликка айланиб кетаётган шилқимликдан жони халқумига келган бечора қиз ахир йиғламоқдан бери бўлиб:

— Ҳой, одамлар, ёрдам қилсангиз-чи! — дея нидо қилди ҳамки, ён-теваракдагилардан садо чиқмади.

Содир бўлаётган бедодликни олд тамбурдан кузатиб келаётган бир йигит ортиқ чидай олмади. Қизнинг ёнига шахдам босиб келди-да, сўради:

— Бу йигит танишингизми?

— Йўқ!

— Кўринишдан, — деди вазминлик билан йигит қайнаб келаётган газабини босиб, — тупла-тузук йигитга ўхшайсиз. Бунақанг қилиқ сизга ярашмайди. Қизни ўз ҳолига қўйинг.

Йигитнинг вазоҳатини ҳамда ҳалидан бери миқ этмай ўтирган йўловчилар нигоҳида руй берган узғаришни кўриб, саросимаданми, уятданми йигитнинг лавлагиси чиқиб кетди, совуқ тер босди, бирор нарса дейишга тили айланмай, бўшаганча шериклари томон йўл олди.

шиб, уларга рўпара бўлди. Буни кузатиб турган йўловчилар чехрасида ҳам кўркув, ҳам ҳайрат аломатлари руй-рост намоён эди.

Йигитлар ҳам алланечук саросимада қолишди, бундан. Йигит эса майин табассум қилиб ҳалиги йигитдан самимиймона сўради:

— Огангиз е синглингиз борми? — Ҳа! Бир эмас, бешта.

— Энди фараз қилиб кўринг, — деди йигит жиддийлашиб. — Ҳалиги қиз ўрнида туғишган опангиз ёки синглингиз бўлиб қолса-ю алақандай нотаниш бир йигит унга шилқимлик қилса, зуравонлик йўлига ўтса!!! Индамай тураверармидингиз?

— Йўқ, йўқ!, — дейишди йигитлар жон ҳолатда бир овоздан. — Адабини бошлаб бериб кўярдик!

— Ҳа, ўлманглар! — маъқуллади йигит.

Унинг йигитлар билан илиқ хайрлашиб ажралишганидан трамвай деразасидан ҳалидан бери кузатиб турган йўловчиларнинг баъзиси хурсанд, баъзиси ҳайрон бўлиб қолди.

Бу хурсандлигу ҳайронликнинг боиси бор, албатта. Ҳамият нима эканини ақлан яхши тушунган, аммо керагида уни намоён қилишга жазм этолмаган, иродаси бўш йўловчилар йигитнинг кори хайри яхшилик билан яқун топганидан хурсанд, бўлса, кундалик хулқ-атворида «Ўзингни бил ўзгани қўй» деган соф худдинона қондадан келиб чиқиб хатти-ҳаракат қилишга одатланган кимсалар эса бировлар ишига аралашши жанжалсиз, қолаверса, ур-сурсиз кўчганидан ҳайрон эди.

Ҳўш, қандай бир қудрат йигитни етти ёт бегона кишилар ўртасидаги можарога аралашшига ундади? Қандай бир куч уни шундай қилишга мажбур этди? У ҳам бошқа йўловчилар сингари қулогини қар, кўзини кўр

мият тушунчаси нимани англаатаркин деган савол туғилади, албатта. Ахлоқ-одоб замирида тафаккур ётади. Узи ва ўзгалар хулқ-атворини ақл чиғриғидан ўтказиб, тегишли хулоса чиқара билмайдиган, бобоқалонларимиз айтганидек, назари ибрат сало-

ҲАМИЯТИ БУЮК

ҳиятидан маҳрум кимса ахлоқийликдан йироқ бўлади. Шу ваздан «Одамнинг кўзуси — одам», «Одобни беодобдан ўрган» деган ҳикматлар дунёга келган.

Қисқаси, ҳамиятнинг дуғавий маъноси кишилик умумиятига, чунончи, оиладан тортиб бутун инсониятгача дахлдорликни билдиради. Истилоҳий мазмунни жиҳатидан Ҳамият туйғуси ва фазилати туйғу бот-бот такрорланавериши оқибатида шахс табиатининг ажралмас хислатига айланади. негизда ўзи ва ўзгаларнинг инсоний шаън-шарафи ва Қадр-қиммати, Орномуси, Ориятини киройи эъзозлаб, ҳамийша уларни пок сақлашга интилиш ҳамда бошқалар, шу жумладан, жамият тажовузидан, таққиридан муҳофаза қилишга доний шайлик ётади. Шунга кўра, ҳамият киши хулқ-атвори ва фаолиятининг бевосита мотиви сифатида амал қилади ҳамда шахс ахлоқий фаолиятининг кўришишларидан бири тарзида майдонга чиқади.

«Бир йигит қирқ йилда бино бўлади», — дейди доно халқ. Дарҳақиқат, кимки, болалик чоғиданоқ, ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, қариндош уруғи, ёр-дўстларига меҳрибон, мушфик, иззат-ҳурматли, меҳр-оқибатли садоқатли, вафодор бўлиб тарбиялана борса, ўша киши ўзгаларнинг ҳам шаън-шарафи, қадр-қиммати, орномуси, ориятини киройи эъзозлайдиган зарурат туғилганда уларни ўзгалар тажовузидан муҳофаза қилишга қодир зот, яъни ҳамиятли, марди майдон одам бўлиб етишади.

Шаън-шараф, қадр-қиммат, орномус ва ориятнинг намоён бўлиш соҳалари хилма-хил бўлганлиги туфайли Ҳамиятнинг шакллари ҳам бағоят ранг-барангдир. Чунончи, у ота-оналик, фарзандлик, ака-укалик, опа-синглилик, қариндош-уруғлик, юртдошлик, миллатдошлик, ватандошлик ва ниҳоят умуминсонийлик Ҳамияти тарзида турлича жамол кўрсатади.

Мунофиқона усуллар билан амалга оширилган сиёсат моҳиятини «кинқилбоннинг дастлабки ийларидоқ зийраклик билан илғаб, халқни бундан:

«Кишан кийма, Бўйин эгма
Ки сен ҳам ҳур туғилгансен», — дея ошқора оғоҳлангирган ва ҳамма-ҳаммани ҳамиятга қақирган миллатимиз мунававлари пешонасига «миллатчи» «исломпараст», «туркпараст», «халқ душмани» деган, ўз миллий турмуш тарзи ҳамда миллий қадриятларини асл босқинчилар тажовузидан ҳимоя қилишга отланган фидойиларнинг пешонасига эса «босмачи» деган тамға босилиб, ақсарияти тўғридан-тўғри отиб ташланди, қолганлари зулматхона қамоқларга тикилди, олис ва совуқ ўлкаларга сургун қилинди.

Риёкор мустамлакачилар ҳар қанча уринмасин, миллий қадриятларимизни, жумладан, ҳамиятни тағ-туғи билан йўқотолмади. Мақола бошида тилга олинган йигитнинг тамоман бегона қиз шаън-шарафи, қадр-қиммати, ор-номусини оқилона муҳофаза қила билгани фикримиз далилидир. Дарвоқе, айна вазиятда умуминсоний ҳамият ўз жамолини кўз-кўз қилди.

Хуллас, жумҳуриятимиз кириб қолган боши берк кўчадан жамиятимиз фуқароларида ёшлиқданоқ ҳамият туйғуси ва фазилатини тарбиялаб камол топтириш орқалигина чиқиб кетиш мумкин. Жамият аъзоларида ҳамиятнинг турли қирралари ва шакллари ҳамийша жиполаниб, гул-гул ёниб турмаса, у ҳақиқий инсоний жамият эмас, балки ёлғиз нафсу жигилдон, мол-дунё кўшқу айвонининг итоткор қулига айланган, руҳияту маънавиятдан беҳабар одамтаҳлитлар, холос.

Содиқ АЛИМОВ

● ФИКР ●

ТИҚИЛИНЧДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ОДОБ

Бир куни ўзимизнинг Андиджон шаҳрининг бекатларидан бирида турсам, қайси томондандир бошдан-оёқ ҳижобга ўранган тўрт қиз пайдо бўлди. Иссиқ дегани ёндираман дейди. Исломий одобни бутун вужудларига сингирган бу қизларнинг эса кўзлари очик, холос. Бунинг устига, автобусу троллейбуслар ҳадеганда келавермайди, келгани ҳам тикиндан тикин.


Ниҳоят, улар кўтган троллейбус келди. Уша уловга интизор бўлган бошқалар ва боаги қизлар ҳам унинг эшигига интилишди. Давангирдай йигитлар ҳам ҳижобдаги ожизалардан олдин чиқишга уриниб, туртинишди. Хуллас, ўша онда мусулмончилик умуман унут бўлган.

Буниси ҳам майли, энди ўша тиқилинч троллейбусга зўр-базўр чиққан, йўловчиларнинг ҳижолатпазлигини ўйланг. Мен ҳаммадан ҳам боаги ҳижобдаги муслималарга ачиндим...

Балки шаҳарларимизда аёл ва эркеклар учун алоҳида уловлар қилиш керакдир. Ҳеч бўлмаганда барча йўналишлар бўйича аёлларга мослаштирилган! Бир-иккитадан троллейбус қўйилса эди, зора мусулмончиликка астойдил қайтишган аёл ва қизларимиз қийналишмасмиди.

Балки миллатдошларимизнинг ўзларидан жўялироқ маслаҳат чиқар?..

Н. ЖАЛОЛИДДИН



БИР ДАРАХТ ВА УЧ ЭРКАК...

ИСМОИЛ АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИССАСИ

Исмоил алайҳиссалом ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғиллари эдилар. Оталари фарзандларини қанчалик яхши кўрсалар, фарзандлари ҳам оталарига шунчалик меҳрибон эдилар. Бир-бирларидан бир соат ҳам айрилмоққа тоқатлари йўқ эди. Уларнинг меҳр-муҳаббатлари барча олам аҳлига ва ҳамма фаришталарга маълум эди.

Фаришталар бир куни Аллоҳ таолога мурожаат қилиб:

— Эй, Парвардигор, Иброҳим ўғлини сендан ҳам яхшироқ кўради, сенга дўстлиги иккинчи даражали бўлиб қолган,— дедилар.

Фармон келдиким:

— Эй, фаришталар, сизларга Иброҳимнинг дўстлигини исбот этаман.

Шундан кейин ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломга қурбонлик қилиш ҳақида фармон бўлди. Беш юз туя, минг қўй қурбонлик қилдилар. Аммо яна қурбонлик қилиш ҳақида хитоб келди.

— Нима қурбонлик қилсам экан?— деб сўрадилар ҳазрат Иброҳим.

Хитоб келди:

— Нимага меҳрибон бўлсанг, қаттиқ кўнгли боғлаган бўлсанг шунини қурбон қил.

Ҳазрат Иброҳим фикр қилиб кўрсалар, ўз ўғилларидан бошқага бу қадар меҳрибон эмас эканлар. Ўғилларини қурбон этишга ҳам азм эдилар. Биби Ҳожарни чақириб, дедилар:

— Эй, Ҳожар, ўғлимни азиз дўстим ҳузурига олиб бораман. Яхши кийимларини кийдириб, олиб чиқ. Оналари ҳазрат Исмоилнинг сочларини тараб, чиройли кийимлар кийдириб, олиб чиқдилар. Ҳазрат Исмоилнинг ҳўнслари илгаригидан ўн ҳисса ортиб кетган эди.

Алқисса, ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом бир пичоқ ва арқон олдилар. Ҳазрат Исмоилни олиб, йўлга тушдилар. Уларга Шайтон дуч келиб, ҳазрат Исмоилдан сўради:

— Қайга бораётганингни биласанми?

— Отам дўстлари ҳузурига олиб боряптилар,— дедилар ҳазрат Исмоил.

— Отанг сени ўлдиргани олиб боряпти,— деди шайтон қитмирлик билан.

— Отам мени ҳеч қачон ўлдирмайдилар,— деди ҳазрат Исмоил.

Шайтон барибир бўш келмади. Ифвогарона сўзларини давом эттирди.

— Отангнинг дўсти сени қурбон қилишга фармон берибди.

— Агар отамнинг дўсти-шундай деган бўлса, минг жоним бўлса ҳам фидо қилишга розиман,— дедилар Исмоил алайҳиссалом.

Шайтон ўз мақсадини амалга оширолмагач, Биби Ҳожар ёнига келди.

— Эй, Ҳожар, отаси ўғлингни ўлдиргани олиб кетди. Яхшиси, бориб қўқариб қол.

— Елғон айтма, малъун,— дедилар Биби Ҳожар.

— Дўсти қурбонлик қил деган экан, шу сабабли ўғлингни унинг ҳузурига олиб кетди,— деди Шайтон.

Биби Ҳожар хотиржамлик билан шундай жавоб бердилар:

— Агар дўсти шундай деган бўлса, ўғлим бу дўстнинг фидоси бўлсин.

Шайтон яна алам билар ҳазрат Исмоил алайҳиссалом ёнига қайтди.

— Эй, Исмоил, қочиб қол,— деди у.— Уминг зое бўлади.

— Отам менга жони ачмайди, деб ўйлайсанми?— дедилар ҳазрат Исмоил.

Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом бу сўзларни эшитиб, ажабландилар, сўнгра сўрадилар:

— Эй, ўғлим, ким билан сўзлашдингиз?

— Бир қари чол билан,— дедилар ҳазрат Исмоил.— Отанг сени ўлдиргани олиб боряпти, тезроқ қочгин,— деяпти.

— Эй, ўғлим, бу Шайтони лаъиндир. У Худои таолонинг душмани. Сизни тўғри йўлдан оздирмоқчи.

Унинг сўзига қулоқ солманг. Энди келса тош отиб қувинг,— дедилар ҳазрат Иброҳим.

Алқисса, Шайтон етти марта келиб сўз айтди. Ҳазрат Исмоил ҳар сафар уни тош отиб қарши олдилар. Ҳажга боришда етти жойда тош отиш одати шундан қолган, дейишди.

Баланд тоққа етганларидан кейин ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом шундай дедилар:

— Эй ўғлим, Аллоҳ таолодан сизни қурбон қилишга фармон бўлди. Сиз розимисиз?

— Ота, Худонинг ҳукми не бўлса, кечиктирмай ишга киришим. Буюрган

ПАЙҒАМБАРЛАР ҲАЁТИДАН

ишини қилинг,— дедилар ҳазрат Исмоил. Кейин яна айтдилар:— Эй, ота, уйдальгимизда шу гапни нега айтмадингиз? Онам билан хайрлашиб келар эдим. Шундай бўлса ҳам бечора онамга дуои саломимни етказсангиз. Мендан ҳар қанча беодоблик ўтган бўлса, рози бўлсинлар.

Ҳазрат Исмоил шу сўзларни айтиб, оталари билан йиғлашиб, рози-ризалик тиллашдилар. Сўнгра ерга узулиб ётдилар.

— Эй, ота, кўзимни боғласангиз. Чунки сизга боқсам, раҳмингиз келади,— дедилар.

Шу пайтда фаришталарга хитоб бўлдиким:

— Эй, фаришталар, кўрдинглари, Иброҳим менинг фармонимга бош эгиб, ўғлини қурбон қиляпти.

Жами фаришталар, ҳуру гилмонлар — барчалари томоша қилиб турдилар. Ҳазрат Исмоил оталаридан илтимос қилдилар:

— Қонли кўйлагимни онам бечорамга олиб борсангиз, уни кўрганларида дардлари зора таскин топса.

Шундан сўнг ҳазрат Исмоилнинг қўл-оёқлари, кўзларини боғладилар. Ҳазрат Иброҳим ўғилларининг буйниларига пичоқ тортидилар. Аммо Аллоҳ таолодан пичоққа «кесмагил» деган фармон бўлди. Пичоқ кесмади.

Аччиқланиб уни билан санчдилар, пичоқ ҳалқа бўлиб қолди. Тошга урган эдилар, қадалиб қолди. Ҳазрат Иброҳим дедилар:

— Эй, пичоқ, нега тошга солсам кесасан, Исмоилни эса кесмайсан? Пичоқдан овоз келди:

— Эй, Ҳалидуллоҳ, нега ачиқланасан? Намруд сизни ўтга ташлаганда, Парвардигорнинг фармони ила оловнинг ичи сизга гулистон бўлган эди. Бу сафар сиз бир марта кес деб айтгунча, Худо етмиш марта «кесма» деяпти. Мен унинг ҳукмини бажараман.

Жами фаришталар, ҳуру-гилмонлар бундай садоқат, меҳр-муҳаббатни кўриб, ҳайрат бармоғини тиллашдилар.

Шу замон кўкдан хитоб келдиким:

— Эй, Иброҳим, менинг дўстлигим учун бир жон фидо қилдинг. Мен сен учун бир неча баробар жон фидо қилурман.

Шу заҳоти бир кўк кўчқор пайдо бўлди. Ҳазрат Жаброил алайҳиссалом келиб, айтдиларки:

— Эй, Иброҳим, Ҳақ таоло бу кўчқорни Исмоил ўрнига қурбон қилсинлар, деб амр этди.

Алқисса, бу кўчқорни сўйиб, терисини супра қилдилар, юнгини йиғириб, гилам тўқидилар.

ҲАЗРАТ ДОВУД ҚИССАСИ

Ҳазрат Довуд ёшлигида қўй боқиб юрардилар. Ака-укалари орасида ниҳоятда баҳодирлиги билан танилган эдилар. Ешлиқдан илми ҳикмат ва бошқа кўплад хунарларни ўргандилар. Ажиб ширали овозлари бор эди. Муқаддас китобни қироат билан ўқиганларида ваҳший ҳайвонлар ва қушлар ҳайратдан сеҳрланиб қолардилар.

Ривоят қилдиларки, Довуд алайҳиссаломга подшолик ва пайғамбарлик ато этилган даврда у кишининг қароргоҳлари эшигида бир занжир осилган эди. Агар икки киши жанжал-

лашиб, шикоят билан келган бўлса, ўша занжирга қўл узатар эдилар. Кимнинг сўзи рост бўлса, ўшанинг қўли етар эди. Бир куни икки киши даъво билан келди. Улардан бири иккинчисига юз мисқол омонат берганини айтди, буниси бўлса олмамд деб тонар эди. Даъвогар қўл узатганда қўли занжирга етди. Омонат олган одам ҳам қўлидаги ҳассасини ҳалиги даъвогарга бериб, қўл узатганда, қўли занжирга етди. Чунки олган омонатини бояги ҳассанинг ичига жойлаб қўйган эди. Бу ишга ҳайрон бўлдилар. Текшириб кўрилганда, макр-ҳийланинг сири очилди. Шундан кейин зан-

— Мен сенга бугдой эккин деган эдим, арпа экибсан. Ҳазрат Луқмон айтдиларки:

— Арпа эксам, бугдой унмайдами? — Арпадан ҳеч вақт бугдой унмайми, нодон?— деди хожалари.

Ҳазрат Луқмон айтдиларки:

— Ундай бўлса, нега ёмонлик қилиб, яхшиликдан умид қиласиз?

Хожа бу сўзларни эшитиб, қаттиқ таъсирланди ва гуноҳлари учун тавба қилди.

Ҳазрат Луқмон халққа кўп қайишар, қўлидан келганча яхшилик қилардилар. Ҳар киши пул ва мол қарз олса, беминнат берар эдилар. Бир ку-

жир ҳам кўздан ғойиб бўлди.

Довуднинг шон-шавкати етти иккимга тараққалган эди. Аммо ўзлари гоҳ кечалари оддий кийимда кўчаларда, одамларнинг аҳволини кузатар эдилар. Учраган одамлардан: «Подшоларинг яхши одамми ёки ёмонми?» деб сўрадилар. Бир куни кечаси бир қари кампирга дуч келиб қолдилар. Ундан ҳам шу саволни сўрадилар. Кампир шундай деди:

— Подшоҳимиз кўп яхши. Аммо, элнинг ҳақини ейди.

Бу гапдан сўнг ҳазрат Довуд Худога муножат қилиб: «Илоҳи, бир хунар берсанг, ўз меҳнатинг орқасидан ризқини топсам», дедилар. Худои таоло у кишига темирчилик хунарини ато қилди. Ҳазрат Довуднинг қўлларида темир мумдек мулозим бўлиб қолар эди. Нимаики ясамоқчи бўлсалар, болға ва сандонсиз, қўллари билан қилар эдилар.

ҲАЗРАТ ЛУҚМОН ҚИССАСИ

Ҳазрат Луқмон Довуд алайҳиссалом замонида яшаган эдилар. Асли келиб чиқиси Ҳабашдин эдилар. Бир дуррадгорнинг хизматкори ва қули бўлган эдилар.

Худойи таоло бир куни икки фариштани у зотнинг ҳузурига юбордилар. Улар келиб шундай дедилар:

— Эй, Луқмон, хоҳласанг пайғамбар бўл, хоҳласанг илми ҳикматдан таълим берайлик.

Ҳазрат Луқмон айтдиларки:

— Пайғамбарлик улуғдир. Аммо илми ҳикмат билан кўп кишининг мушқулини осон қилиш мумкин.

Шундан кейин фаришталар унга илми ҳикматдан таълим бердилар. Ер юзидеги барча подшолар ва фуқаролар у кишига сиғиниб кела бошладилар. Бир куни халойиққа ваъз-насиҳат қилиб турганларида Бани Исроил улуғларидан бири сўраб қолди:

— Эй, Луқмон, бу мартаба ва орбў-эйтиборга қандай эришдинг?

— Тўғри йўлга юрганимдан,— деб жавоб бердилар ҳазрат Луқмон.

Яна шундай ривоят қилдилар: Ҳазрат Луқмоннинг хожалари бир куни у кишини чақириб, шундай танбех берди:

ни бир одам минг мисқол олтин қарз олди. Аммо кўнглида қайтиб бермасликни режалаштирди. Олтинни қизил матога ўраб, ёнига қўйиб ётди. Бир қарга уни гўшт деб ўйлаб, олиб қочди. Келтириб ҳазрат Луқмоннинг олдидарига ташлади. Кўрсаларки, ўзлари қарз берган олтин. Элтиб уйга қўйдилар. Бояги киши яна келиб, минг мисқол олтин сўради. Ҳазрат Луқмон ҳеч нарса демай яна қарз бердилар: Қарз олган киши кўнглида: «Олтин олганимни ҳеч ким кўрмади, қайтармасам ҳам бўлаверади» деб ўйлади. Шу ўй билан сўвдан кечиб кетаётганида, қўлидаги омонат сувга тушиб кетди. Ҳарчанд изласа ҳам тополмади. Ҳазрат Луқмон кечаси таҳорат қилмоқ учун дарё ёқасига келиб, омонатини топиб олди. Яна элтиб уйларига қўйдилар. Ул киши учинчи марта ҳам минг мисқол олтин сўраб келди. Яна бердилар. Омонат олган одамнинг нияти яхши бўлмагани учун, бу олтин ҳам ёнидан тушиб қолди. Ҳазрат Луқмон кўчандан уни топиб олиб, уйга элтиб қўйдилар. Омонат олган одам ўзича мулоҳаза қилди: «Луқмондан уч минг мисқол олтин қарздор бўлдим. Энди яна минг мисқол олтин олиб, савдогарчилик қилай. Шу йўл билан шармандагарчиликдан қутуларман».

У ўзи ният қилганидек яна минг мисқол олтин олиб, савдогарчилик йўлига кирди. Бир жойдан камбё молларни олиб, бошқа жойга олиб бориб сотди, у ёқдан ҳам зарурий ашёларни олиб келди. Тез фурсатда бойиб кетди. Шундан кейин тўрт минг мисқол олтин олиб, ҳазрат Луқмон ундан минг мисқол олиб, қолганини қайтариб бердилар. Омонат олган одам ҳайрон бўлиб, бунинг боисини сўради.

— Мендан олган пулингнинг уч минг мисқол ўзимга қайтиб келган. Минг мисқол қарзинг қолган эди, уни олдим. Бировнинг ҳақига ҳеч қачон хиёнат қилиб бўлмайди,— дедилар ҳазрат Луқмон.

Носириддин МУҲАММАД тайёрлади



Х. МИРЗАКАРИМОВ сурати

Фойдала маслаҳатлар

«Биз кексаликни кутиб туришга мажбур қилишимиз керак», дейди доктор Том Спейес. Кимки шунга эриша олса, у руҳан ҳам, жисмонан тайёргарлик кўрган одамдир, худди ана шундай кишилар инсониятнинг энг яхши ва кучли ядросини ташкил қилади.

«Биз бемаҳал заифлашиб, мунқиллаб қартаймаслигимиз керак. Инсон 80 ёшда ҳаётининг айна гуллаган чоғига яқинлашиб келаётган бўлиши лозим». Тиббиёт ходимларининг Швейтсарияда бўлиб ўтган конгрессида олимлар ана шундай дегишган эди.

«Иш, нималар инсон умрини қисқартиради. Аввало яшаш тарзи, дармондориларнинг етишмаслиги, нобоп, номувофиқ шароит ва бошқалар. Олимлардан бири «авзоларнинг темир, мис, мағнит ва калийлар билан мувофиқ таъминланмаслиги, яъни зарур минерал тузларнинг камлиги натижасида ўлим содир бўлади», деган фикрини илгар суради. Бундан ташқари қаттиқ руҳий азоб, кучли изтироб ҳам инсоннинг соғлигини издан чиқариши

мумкин. Ҳаяжонланиш, гам-ғусса, қўрқув каби салбий ҳолатлар ошқозон, сўлак безлари фаолиятига путур етказиши, қон босимини оширади, авзоларда кучли босимни вуҷудга келтиради ва ҳужайралар таркибини емиради.

Фикр ва ҳаяжон, зўриқиш инсон авзоларидаги «торларни таранг торттиради». Агар бемавруд қаримаслик, ҳаёт билан видолашмасликни хоҳласангиз, ана шу «торларнинг таранг тортилишига изн берманг».

НАВҚИРОНЛИК СИРИ

Навқиронликни узайтиришнинг энг самарали усулларида бири мушакларни тўғри чиниқтиришдир.

Доктор Эдвард Берц нимжон, бўшашган, заиф мушаклар бемавруд қаришга сабаб бўлади дейди. Сиз юраётган пайтда фақат олдинга қараб ҳаракат қилиш учун зарур бўлган ҳаракатларингизга бажарасиз. Аслида югураётган пайтингизда оёқларингизнинг барча мушакларидан, яъни сон-

дан тортиб токи панжаларингизга фойдаланишингиз лозим.

Шуни айтиш керакки, мушаклардан мақсадсиз фойдаланиш ҳам хавфлидир. Мен ҳар кун автобус ўриндиқларида ўтирган одамларнинг тураётган пайтда қўлларидан фойдаланаётганликларини кўраман. Қолбуки, бу ишни корин ва сон мушаклари бажариши керак. Сиз бу мушаклардан қанчалик кам фойдалансангиз, улар шу қадар танбаллашиб бораверади ва шундай пайт келадики, сиз учун ўриндан кўзгалаш ҳам оғир кўл меҳнатига

Инсон авзолари орасида бел жаҳаси энг хавфли ҳисобланади. Бу ерда энг кучли мушаклар жойлашган. Лекин афсуски, кўпчилик одамларда бел мушакларининг заифлашуви ёғ босиши натижасида тананинг юқори қисми пастки қисмига оғирлик солади ва сон мушаклари тартибсиз равишда ривожланади ва хунук кўриниш ҳосил қилади.

Агар сиз қадимги греклардек жисмоний камолотга эришмоқчи бўлсангиз, ўзингизга эътибор билан қаранг, танангизни муттасил машқ қилдириб туринг.

Дераза

СОТИБ ОЛИШДИ

Кейинги 4—5 йил ичида собиқ СССРдан ўнлаб спортчилар хорижга кетиб қолди. Уларнинг аксарияти спорт юлдузлари. Кетишдан асосий мақсад — пул топиш.

Шундайми? Унда пулни ўзимизда ҳам топса бўлади дейишмоқда, маскунинг «Спартак» баскетбол жамоаси мутасаддилари. Улар катта пул эвазига бўйи нақ 2 метру 5 сантиметрлик(!) Тони Тернер ва Стив Райт исм-шарифли йкки нафар негр баскетболчи сотиб олишди. Муддат — бир йил. Самолётдан тушиб улгурар-улгурмас ЦСКА га қарши ўйинга тушган Томи ва Стив биринчи ўйиндаёқ ўз жамоасига 11, 10 тадан очко олиб беришди.

ЯРОСЛАВДА... «ДОНИШМАНД БЮРОКРАТЛАР»

Ярослав вилояти ишбилармонлар уюшмаси «Донишманд бюрократ» нишонини таъсис этди. Ушбу нишон билан одамларни сарсон қилишнинг обдан маъқули олган бюрократлар тақдирланади. Дарвоқе, талабгорларга нишон етказиб, улгуриб бўлармикан?

ПУЛ КЕТСА КЕТСИН...

Амриқода «халқ хизматкори» бўлиш учун бой бўлмоқ керак. Тўғрида, бунинг нимаси ёмон — ўзига тўқ одам мол-дунё орттираман деб ҳаёли бузилмай халққа астойдил хизмат қилади. Агар биз мамлакат қонун чиқарувчи олий органи юқори палатаси вакилларини мулкдорлигига қараб рўйхат қилсак, уни сенатор Дейон хоним Фейнастайн исми шарифидан бошлаймиз. Хонимнинг эри иккаловининг мулкки 38 милён доллар. Рўйхат шу тариқа давом этади ва сиз деярли барча «халқ вакиллари» сармоёли кишилар эканлигига гувоҳ бўласиз. Рўйхат 313 минг доллар қарзи бор Жон Бингенман исми шарифи билан якулланади. Сабаби, жаноби Жон сайловолди компанияси даврида ташвиқотни (ҳаржати) катта қилиб юборган. Натижада қуруқ обрў билан қолган.

СТАЛИННИНГ СОЯСИ ҲАМ ЙЎҚ ЭДИ

Қозонда Чистаполск боғини таъмирлаш пайти танса майдончаси бузилаётганда қурувчилар Сталиннинг бир ярим метрлик темирбетон бюстини топиб олишди. Улар бюстини шахар музейга олиб боришмоқчи бўлган эди техника топиша олмади. Бу иш кейинги кунга қолдирилди. Кейинги кун эрталаб эса Сталиннинг бюстидан ном-нишон йўқ эди.

Илоҳий ҳадислар

Ҳазрати Анас (Р. А.) ҳикоя қилади: Расули Акрам (САВ) Оллоҳдан шундай ривоят этдилар: Тангри буюрдики:

«Мен фақатгина ризом учун (риёсиз, ғарзсиз) қилинган ишларинигина қабул этман».

Абу Зар-ал-Ғифорий (РА) ҳазратларининг Расули муҳтарам (САВ) афандишдан ривоят қилишича, Оллоҳ Таоло шундай буюрди:

«Бир яхшилик қилганга унинг ўн мисли ёки яна ҳам кўпроги баробарида яхшилик билан жавоб берилади ёхуд мағфират этман. Менга бир қарчи яқинлашганга мен бир аршин ва бир аршин яқинлашганга беш қулоч яқинлашман. Бир кимса менга юриб келадиган бўлса, мен унга юзуриб келаман. Менга шерик қўшманган, куфр этманган бир одам бутун ер юзини қоплагудек гуноҳ билан менга қовушса, мен у одамни йианчалик мағфират билан қарши оламан».



«ОББО, БОЛАКАЙ — ЭИ!..»

Рустам МАРДОН сурати

Табриклаймиз!

Онажонимиз
Зарофат
ХАКИМ
қизи!



Сизни муборак 60 ёшингиз билан чин кўнглидан кутлаймиз. Саноксиз шоғирларингиз, биз фарзандларингиз бахтига доимо соғ-омон бўлинг. Илоҳо, юзга кириңг. Фарзандларингиз, Тошкент шахри.

Қадрдон дўстимиз Бекмуроджон ХОЛБОЗОРОВ! Сизни 32 баҳорингиз билан сидқи-дилдан табриклаймиз. Тилагимиз шу — бахтимизга

ҳамиша соғ-омон бўлинг. Ишларингизга ривож, оилангизга тотувлик. Кам бўлманг, умрингиздан барака топиб фарзандларингизнинг хувурини кўриңг, деб ДУСТЛАРИНГИЗ, Самарқанд вилояти, Нуробод тумани.

Ширинтой жияним ЖАВОҲИРЖОН!

Икки ёшингиз қутлуг бўлсин. Безавоал камол топиб, отананг, элнинг хизматини қил. Доимо ҳурмат-иззатда бўл, деб тоғанг АБДУВАЛИ, Самарқанд вилояти, Қўшрабат тумани.

Оғам Ботиржон! 23 ёшингиз қутлуг бўлсин. Шу тупроқда ўсаётгирсан, шу элга эл бўлсин. Танинганга сиҳат, жонингга омонлик доимо ҳамроҳ бўлсин. Чинакам дов йиғит, ботир ўғлон-укам, таваллудинг муборак!

Опанг ЭЛМИРА.

«Ишонч» газетидан хизмат қилаётган азиз ҳамкасбимиз, сафдошимиз

ШОИРАХОНИМ!

Таваллуд қунингиз билан табриклар эканмиз: Мингаларга кириңгу ҳали ёш бўлинг, бугунгидай гўзал, қаламқош бўлинг, — дегимиз келади. Сизга хушбахтлик тилаб: «Оила ва жамият»даги дўстларингиз.

Оила

47 ЁШДА

Асака шахрида истиқомат қилман. Маълумотим олий. Ичмайман, чекмайман, тижоратчиман, бир ўзим тураман. Уйим-жойим, яшаш учун ҳама нарсам етарли. Лекин ўз жуфтими ҳануз тополмадим. Шоҳад мени ва ўзини

бахтли ета оладиган: меҳрибон, вафодор, меҳнатқаш, қувноқ 30 ёшгача бўлган аёлни топиб (болалик бўлса ҳам майли) танишиб, қолган умримни унга бахшида этсам. «Оила-249» мактубларингизга интизор.

32 ЁШДА

Бевақт ўлим ширин турмушимизга раҳна солди. Икки гулдай фарзандим қўлимда отасиз қолди. Не қилайки қисматимда шу кунлар ҳам бор экан. Қийинчиликларга худо сабр-тоқатдан айирмаса чидаса бўларкан. Фарзандларимни кўп бўлмаса оз едариб, кийдириб тарбиялапману алмо инсон жуфтисиз яшаши оғир экан. Агар ўзи ва ўзгаларни қадрай оладиган, тушунадиган дёнбатли яшаш учун етарли уй-жойга эга бўлган ёлғиз эркак бўлса бир умр қадрлаб яшайман. «Оила-250».

22 ЁШДА

Бугдой ранг, истарали, оиланинг барча ишларига ўқувли, меҳрибон, боғча ёшидаги биргина ўғлини камолини ўйлаётган тошкентлик муслима 24—35 ёшлардаги, қайси вилоятдан бўлса ҳам уй-жой билан таъминланган, садоқатли, тўғрисиқ кишига турмушга қичиб бир умр уни бахтли қилиб ўтишга ишонади. «Оила 252» мактубларингизни кутади.

Табрик эълонининг ҳар бир белгиси (ҳарфи) 5 сўм. Битта расм (6×9 см, ҳажмида бўлиши шарт) 1000 сўм. Табриклар бир ой муддат ичида чиқарилади. 10 кунлик муддат билан берилса, 2 баравар қимматлашади. Танишув эълонининг баҳо-си 400 сўм.

Качонки, терс гилдирак ёғдуси —
Қитиқласа ва очса йўлак —
Қизгалдоқнинг кўзида ётган —
олам турса
ва одамюрак

Қиёматдан кейин — албатта —
Қиёматдан олдин — шубҳасиз —
Зийратга борамиз, шунда —
огзимизда
севги қиёми —
Кўнглимиз ҳам ой ётган тундай.



Сен қодирим, баҳодирим,
Аё руҳим, аё руҳ,
Сен пинҳоним, сен зоҳирим,
Аё руҳим, аё руҳ.

Абдували
ҚУТБИДДИН —
1960 йил. Са-
марқанднинг
Дарғомида ту-
ғилган. ТошДД
журналистика
факултетини
тугатган. Уч
фарзанди бор,
аёли муалли-
ма — уй бека-
си. Ўзи «Ёзув-
чи» нашриёти-
да бош муҳар-
рир.



Ё ЖОНИМ МУҲАББАТ, СИМ-СИМ-ЭЙ, СИМ-СИМ

ОСИМА — СЕН КИМНИНГ ҚИЗИ!

Ичкдим. Соғиндим сени, шекилли,
Тонгим ранги сариқ, хаста кундузим.
Иҳраб қуёш чиқар, ўқчиб ой шўрлик,
Осима —
Сен кимнинг қизи!



Сен ҳеч недин қўрқмажаксан,
Ярим уйғоқ ухлажаксан
Сен раҳбарим, сен сарварим,
Баланд парвоз кабутарим.

Кўрпага буркансам, кўрпа илвирар,
Ёстиққа ёпишсам, илвирар ёстиқ.
Уй менга сиғмайди, уй менга сиғмас
босириқ — босириқ...

Менга азоб бермажаксан,
Асло хароб кўрмажаксан,
Нур ёғарсан, нур ёғарсан,
Завқ айшига тўлдирарсан.



Зириллар борлигим, юрсам, йўл кўнмас,
Қояга тирмашсам, пучмаяр қоя.
Қарғасам, қарғишим дуога ўхшар,
во-во-я...



Хизматингни қилай кун-тун,
Сен оқавер уриб тўлқин.
Ямоқчимсан, қадоқчимсан,
Муруватим садоқчимсан.

Ичкдим. Соғиндим сени, шекилли,
Хўрлигим келтирар ғалати гина.
Нимага одамлар шод, хуррам, мамнун,
Бизлар одаммасми,
Осима?!

Аё руҳим, аё руҳ,
Суфла, суфла, суф-суф.
Аё руҳим, аё руҳ,
Суфла, суфла, суф-суф.

ҚАСАМ

Фаромуш боғларда солланиб маҳзун,
Заррин сарполарда давлати фузун,
Қалбимга едирар нон ҳамда тузин,

Ё жоним муҳаббат,
Сим-сим-эй, сим-сим,
Мабодо алдасам қўлларим синсин!

Ўткинч тилакларда болалик бадбахт,
Севгининг номидан ёзади тилхат.
Агарда яшасам қалдирғочсифат

Кизгалдоқ энамдир
Сим-сим-эй, сим-сим.
Мабодо алдасам қўлларим синсин!

Ортимда чўл дедим, кўрсам — Бадахшон
Қадимий тангадай беҳамён, бешон
Ўзимни изласам мандан йўқ нишон

Алғомон мен қайда?
Сим-сим-эй, сим-сим.
Мабодо алдасам қўлларим синсин.

Сўнги дам ўзимла ўчакишсам, ҳай,
Соҳир кўзларингдан талаб этсам май,
Эвоҳ, кекирдагим кесиб этсам най

Пуflasам, куй ёнса
Сим-сим-эй, сим-сим
Мабодо алдасам юрагим тинсин!

СУРХОН САДОСИ

(Бадиҳа)
1

Ҳаёлда жонланиб Жайхун бўйлари
Қанот қоқди Сурхон сари ўйлари...

2

Чак-чак дарасидан бўридай дўндим,
Сувлар сайр айлаган Сайробда кўндим.

Аждодлар кечмиши — қадим чоғлардан,
Жаббор Ҳасан ўгли ўсган тоғлардан

Юрдим Ат-Термизий қадамжосига,
Юрак тўлди юртнинг най-навосига.

Шербод — шерларнинг дерлар макони,
Шерлар маконининг танҳо ҳоқони —

Ал-Ҳаким² оламда илми калоним,
Ул зотга бахшида эзгу каломим.

Оллоҳнинг беминнат, оддий қули у,
Ҳадис жаннатининг шан булбули у.

Ислом тафаккурин таратди ҳар ён,
Дунёни ҳайратдан қаратди ҳар ён.

Алломаи даврон, саҳий дурнисор,
Фахрдан пойида гердаяр Ҳисор.

3

Ангор даштларининг маъвоси ўзга,
Нафақат маъвоси, ҳавоси ўзга.

Бу ерни фаровон, файзобод этган
Абдумурод ога³ элбоши экан.

Рашид Эшбой ўгли⁴ режаси бошқа,
Унга торлик қилар Сурхону Қашқа

Гар қўйиб берсангиз ишламоқ учун,
Қорни кўрпа қилар қишламоқ учун.

Алпомиш авлоди, асл кўнғирот
Гижинглар тулпори — булутдай Фирот.

4

Бу шундай юрт эзур, бағри бут эзур,
Ҳар тоши ганжина ва ёқут эзур.

Она Сурхондарё, кўксинг тўтиё,
Сендайн заминни билмагай дунё.

ТҮРТЛИКЛАР

Оталар ўтдилар роҳатни билмай,
Биз-чи? Роҳат ичра офатни билмай.
Замондош, қараб қўй ўнгу сўлингга
Ким у кетаётган тоқатни билмай.

Денгизга минг қуллуқ денгизлигичун,
Дарёга ҳам қуллуқ тенгсизлигичун..
Анов кетаётган дарवेशга қуллуқ
Ииртиқ чопонининг енгсизлигичун.

Биламан, дилгинанг менсиз вайрондир,
Сени билмаганлар сенга ҳайрондир,
Кўнглим саҳросида юрган бу кезиб
Сенинг қўйи қароғинг — бир жуфт
жайрондир.

Қоф тоғи қайдадир, қайда у Анқо,
Ҳад-беҳад шу ҳақда йй сурдим танҳо,
Қўйи Қофга чиқиб, Маҳшиар тонгида
Кўркинга термулиб турсам, илоҳо.



Ортиқ ҚИЛИЧ: 1947
йилда Қашқадарё вилояти
Ғузор туманида туғилган.
ТошДД ва ТошҚХДни би-
тирган. Туман, вилоят га-
зеталарида муҳбир, Жиз-
зах чўлларида бўлим бош-
қарувчиси, хўжалик раҳ-
бари бўлиб ишлади. Жур-
налист — агроном, шоир.
Рафиқаси Нарзибувиҳон
муаллима, 5 фарзанди
бор. Улугбек, Дурбек
исмли ўғиллари, Фотима,
Зухра, Зарифа исмли қиз-
лари унинг бахту қувончи.
Болалигидан гўзаллик
шайдоси, шеърлар машқ
қилиб келади.

¹ Абдуҷаббор ҲАСАНОВ — ўзбек полвонларидан, вилоят гўшт-сут комбинатининг бош директори, ўғли Баҳодир ҲАСАН эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони.

² Ал-Ҳаким — Ат-Термизий.

³ Абдумурод Лапасов — Ангор тумани ҳокими.

⁴ Рашид Эшбоев — Таллимаржон давлат хўжалиги директори.

Дунёда аёл зоти йўқки, ҳеч бўлмаганда умрида бир марта бўлса-да эркекларни қаргамаган. Шунингдек уйда эркексиз ёлғиз яшай оладиган лоақал биргина аёлга дуч келмасиз. Бас шундай экан, эркекнинг тупроғи ўтдан юлиб, олтиндан кириб олинган десам ҳам янглишмаган бўламан ҳаммада. Негаки ҳаётнинг бор азоби ҳам, ташвиши ҳам, яхши ва ёмон кўр-

даси учун деб ўйлайверинг. ...Тахлилӣ ва далилий ҳисоб-ки-тобларга қараганда 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган эркеклар ўрта ҳисобда икки кунда бир мартадан соқол қирганда 32 йил мобайнида бу рақам 4944 га етади. Бунинг учун уларга ҳар бирдан 5 мартадан фойдаланилса ҳаммаси бўлиб 989 дона сифатли олмос керак. Олмоснинг ҳар бир до-

бирига 30 минг сўмдан кетса ҳаммасига 330000 сўм сарфланади. Ҳар 5 йилга янгидан пальто оладиган бўлса, унинг ҳар бири 50000 сўмдан турган тақдирда нақ 300000 миқдордаги маблағни талаб қилади. Шунингдек умрининг айнан гуллаган пайтида улар тахминан 128 кўйлак, 323 жуфт пайпоқ, 64 жуфт ички кийим, 64 дона шим, ҳар икки йилда биттадан бош

чақанинг ҳам уст-бошини эпақага келтириш турибди.

Қаранг, ўзини эр санайдиган ҳар бир эркек зотининг пешонасига қанчадан-қанча савдолар битилган экан. Ҳақиқатдан ҳам эркек бўлиш осон эмас. Ҳаётнинг яна юз минглаб нағма ва ҳазиллари борки, яхшиям эр йигитларимиз ўша ташвишлар силсиласи остида эзилиб қетмайди. Яхшиямки, уларнинг тани ўтдан юлини, олтиндан кириб олинган.

Эркек зоти борки, ҳаммаша хонадонларда қут-барака бор, турмуш қийинчиликлари улар учун ҳеч гап эмас. Шу бос «мен ўзбекнинг пок, фаришта аёлиман» деган ҳар қандай ожиза ўз оиласидаги эркек зотини ҳурмат билан ўпиб, кўзларига сурса арзийди.

ЭРҚАКЛАРНИ ЎПИБ, КЎЗИНГИЗГА СУРТИНГ

гуликлари ҳам эр йигитнинг пешонасига тақдир деб аталмиш — «пўлат ҳарфлар» билан битилган.

Мен кўп кўрганман кўлида тувек билан сумак кўтариб бозорма-бозор, кўчама-кўча зир югуриб юрган эркек зотини. Биз ҳаммамиз биламиз барча кишлоқ ва шаҳарлардаги катта-катта нонвойхоналарда ҳамир қориш ишлари ҳам эркекларнинг зиммасида эканлигини. Бугунги кунга келиб турли тикувчилик ҳамда тўқувчилик корхоналарига ҳам хотинлар ўрнига ёппасига эрлар қабул қилина бошланди. Айтaversам гап кўп. Қисқаси жамиятимизда эркекнинг кўли тегмаган юмушининг ўзи қолмади ҳисоб.

«Бошга тушганини кўз кўради» дейи доно халқимиз. Ҳақ гап. Агар ушбу мақолани тўғридан-тўғри фақат эркеклар ҳаётига олиб кирадиган бўлсак уларнинг кўзи кўрмаган кўргилик, бошига тушмаган турли икки-чиқирларнинг адоғи кўринмайди. Бир қарашда улар ниҳоятда жун ва майда-чуйда бўлиб кўринади. Бироқ, ҳақиқий рўйхатга тушганда эса ҳайратимиз ошиб, ичимиз эмирилгандек бўлади. Бир сўз билан айтганда оилага обрў-этибор келтирган ҳам эркек. Пул топиб ўзига бўлсада ўзи учун эмас, балки фақат аёллар учун ишлатган ҳам эркек. Учоққа ўт ёқса ҳам аёл учун, енг-шимариб ҳовли супурса ҳам аёл учун. Бозорга чиқиб кўнгли тусанган нарсани сотиб олса-да аёл учун. Ва яна таъбир жонз бўлса қиртиллатиб соқол-мўйлов олса ҳам аёллар фой-

насини 30 сўмдан ҳисобласак, у ҳолда эркекларга соқол олиш учун 29670 сўм пул керак. Фақат олмоснинг ўзи билан қиртишлаб бўлмайди албатта. Олмос жойланадиган махсус кўрпалма ҳам шарт. Ҳар бир эркек икки йилга биттадан кўрилла сотиб олганда 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган давр мобайнида жами 4800 сўм сарфлайди. Булардан ҳоли равишда яна кўпиртиригичлардан бир йигит мункайган чол бўлгунига қадар 10 донаси бемалол ишлатилади. Биттаси 800 сўмдан бўлганда бунга 8000 сўм кетди деяверинг.

Соқол қиртишлангандан сўнг юзга суртиладиган кимёвий модда йилига 5 донадан кетса 32 йилда 160 та сарфланади. Унинг биттаси 500 сўм турадиган бўлса, ҳаммаси бўлиб 80000 сўмга боради. Соқол-мўйлов қиртишлаш учун ўртача 10 дақиқа вақт керак деб ҳисоблайдиган бўлсак 18 ёш билан 50 ёшнинг ўртасида эркеклар умрининг нақ 36 кунини фақат ияк-этини қиртишлаш билан ўтказиши. Бунга кетадиган маблағ эса жуда катта қисқариш билан олганимизда жами 122470 сўмни ташкил этади.

Эркекнинг ташки кўринишини нафақат соқол қиртишлаш, балки кийини ҳам гўзаллаштиради. Йилига икки жуфтдан — қишки ва ёғзи оёқ кийимини киядиган эрлар ўртача унинг ҳар бирига 10 ва 20 мингдан сарфласа ушбу рақам 32 йил мобайнида 640000 сўмга етади. 3 йилда биттадан янги костюм-шим сотиб олганда унинг ҳар

кийим кийганда жами 16 та дўппи ёки телпак олиши зарур. Бас шундай экан буларнинг ҳаммасига эркек зоти 18 ёшдан то 50 ёшгача 12 милён 238 минг сўм ишлатади. агар бунга соқол-мўйлов қиртишлаш учун ҳам кетган пул миқдорини қўшадиган бўлсак бир йигит чол бўлгунига қадар бугунги нарх-наво ҳисоби билан ҳаммаси бўлиб фақат ўзи учун 14, 22470 сўм сарфлар экан. Ҳали унинг зиммасида оилани тебратиси, хотин ва бола-

**Балки Ботир, балки Алломиш,
Балки билман унинг отини.
Бошингизга кўтариб юринг,
Ху-у-в аёллар, эркек зотини.
Кўндүз ишда, кечаси ишда,
Ташвишлари қиста-қистади,
Билиб қўйинг, мунис аёллар,
Эркекларнинг жони юзтади.
Байрамлари қилаверманг, пеш,
Айбларини юзига солманг.
Хафа қилса унинг оилани,
Узр сўранг, кўнглини олманг.**

Нормурод МУСОМОВ
«Оила ва жамият»нинг махсус муҳбири



Р. АЛЬБЕКОВ сурати

Бундан бир йилча бурун галати феълли йиғит билан ҳамсухбат бўладим. Яқинда ўша йиғитни яна учратиб қолдим. Унинг одамларга нафрат билан боқишлари, суҳбатдошини жеркиб гаплашиши, жаҳлдор ва ҳатто аламзада кўриниши мени ҳайратга солганди. Шу ҳайрат боисми, бу сафар унга ўзим салом бердим. У ўз ода-тига кўра хушламайгина кўришиди. Бир-бировимизга озгина синашта бўлиб олгач, журналист эмасманми, ўз мақсадимга етиши учун аста-савол бера кетдим. Ҳамроҳим ҳам «тўлиб» турган эканми, аста-секин «ёрилла» бошладим:

— Езувчи экансиз, сизга очигини айта қолай, мен одамларни ёмон кўраман, жуда ёмон кўраман.

— Нега энди? Бирон сабаби борми?
Унинг қовоғи яна ҳам осилди, кўзларининг ёнидаги том-мирлари бўртиб кетди. Сўнг оғир хўрсинди-ю устол устида ўрмалаб кетаётган чумолини зарб билан чертиб, мажжа-лаб ташлади. Менимча, юрагида аламзадалик бўлмаган одам бундайин шафқатсизликка бормасин, нари борса чумолини секингина сурит ташларди.

— Сабаблари кўп, — деди, — у бир оз суккутодан сўнг, — қайсинини айтмай? Жуда кўп шафқатсизлик,

бемехрликларни бошимдан ўтказгач, шу фикрга келганман. Чунки одамлар жудоям меҳрсиз, бағритош бўлиб кетишган...

Рости, ўша пайтда ҳамро-

нинг кўз ёшимиз туфайли, шўкрки, онамизни йўлак (коридор)га бўлса-да ётқи-зишди. Ишонинг, ўша пайтлар куз бўлгани учунми, касалхона беморларга тўлиб

бўлиб қолди. Онамнинг энти-кишига чидамай, бояги хона-нинг эшигини очиб, аёлларга ялиндим:

— Жон опалар, эшигинг-ларни бир пас очиб туринг-

га сув сетишди, онам билан овозра бўлишди...

Онам, онажоним индинига оламдан ўтди!..

Бу одамлар...

Ҳамроҳим ўзи истамаган ҳолда йўлак юборди, мен ҳам кўз ёшимни тутиб турса-мадим.

— Эй-й, биродар, кейинча-лик шундай «баниса»ларни-ням кўрдим. У ерда нафақат чироқ, ҳатто йўлакларидо алвон гиламлари ҳам бўлар экан. Лекин менга раҳ-мингиз келганини кўрсат-манг. Алар истасангиз, бу гапларни ёзинг, ҳа-ҳа, ёзинг, токи одамлар кечаги кунни-мизни ёд этиб, бир-бирларини қадрларини ўрганисин. Мен эса уларни ёмон кўраман, бунга яна кўп-кўп асосларим бор!..

Мен унга мустақиллик ҳақида, бундан бугунги ҳаётимиз бошқача бўлиши ҳақида гапирмоқчи, тасалли бермоқчи ҳам бўлдим. Аммо булар ортиқча эди назаримда, чунки унинг фикрларини ўзгар-тира олишга ақлим етмади.

Яқинда уни яна учратдим. Нигоҳлари ўша-ўша. Унинг гапларини эсладим ушбуни қораладим. Яқин ўтмиш-мизнинг дардини ортқиллаган дарддан аниқ ҳақида ёз-дим. Балки бизлар ҳам оқи-батларимиз ҳақида яна бир бор йўлак кўрсакмикин?..

Наби ЖАЛОЛИДДИН

ЎТМИШНИНГ ДАРДИ

ҳимга бирон нима дейишга ожизлик қилдим, ҳатто унинг нафратидан ҳайқайдим ҳам. У ўз фикрларини шундайин бир қатъият ва гап билан изҳор қиларокин, инкор этишга журват етмасди.

— Онам раҳматли қишлоқ касалхонасида узоқ ётди. Ҳадеганда тузалавермагач, туманининг марказий шифохонасига кўчиришди. Унда мен ўн бир яшар бола эдим. Отамиз ўлиб кетгани учун онажонимнинг тезроқ тузалиши-ни жуда-жуда истардим. Чунки у киши ҳали жудоям ёш — эндигина ўттиз тўққизга кирган эди-да. Ҳадеганда онажонимнинг маърифати, қишлоқ-нинг мисласиз заҳматли меҳнати, эндиликда далалар халос бўлган кимёлар захри онамни шу аҳволга солганди...

Марказий шифохонада жой йўқ экан, мен ва онам-

кетганди. Биз каби «суянчи-ги» йўқ одамларнинг касал-ларига оқ халатли зотлар тузукроқ қарашмасди ҳам. Бир кун кечки пайт онамизни кўраени борсак, аҳво-ли анча оғирлашиб қолди-ди. Ҳатто мени танимади ҳам. Олдида қарайдиган ҳеч қим йўқ, онам ҳамширалар-ни излаб кетди, онам билан ёлғиз қолдим. Бир маҳал онажоним қараётган остидаги ту-вакка ишора қилди. (Бу гаплар онам ҳақида эканлиги учун очик айтаялман, тўғри тушуниш).

Мен энгашиб тувакни олув-дими ҳамки, ҳаммаёқ қоронғу бўлиб кетди. Кейин эътибор берсам, йўлакда чироқ ҳам йўқ бўлиб, ҳалиги ёруғ рў-парадаги хонанинг очик эши-гидан тушиб турган экан. У хонадаги аёллар тувакдан жирканди, эшикни ёпиб олишгач, ҳаммаёқ зимистон

лар, бўлмаса онам димиқиб ўлиб қолади!.. — Бола экан-манда, оғзимга келган гапни қаранг.

Хотинларнинг бири менга бақириб берди:

— Обор-е-е ўшаққа, сас-сигинени!..

Ўшаларнинг ўрнида бўл-ган оддийгина инсофли одам нима қилиши мумкинлиги ҳа-қида гапириб ўтирмайман. Ахир...

Йиғит тиззасига шаҳд ила кескин бир шапатлади-ю бармоқлари билан кўздан сизиб чиққан ёшни сидириб ташлади.

— Турганиб келиб онам-нинг кўлтигидан олдим. Энди турғизувдим ҳамки, у ўзини жонсиздек орқага ташлаб юборса бўлади. Улиб қол-ди деб йўлак, қўрқанимдан қичқириб юборибман. Қаёқ-дандир онам билан ҳамши-ралар юзуриб келишди. Мен-



болам дегандилар. Оталар ҳақида шундай бир сўз бор:

...Улмас экан оталар атай,
Қисматимиз шу экан нетай,
Сизни қандоқ қилиб юпатай,
Отасини бериб қўйганлар...
Фойда йўқдир оху нидодан,
Қолманг фотиҳан дуодан,
Нима бўлса кўринг Худодан,
Отасини бериб қўйганлар...

...Фарзандларга отасиз, онасиз қолиш жуда оғир. Шундай инсонларга фақат сабр-тоқат, уларнинг арвоқларини эсдан чиқармаслиқни тилардим мен. Чунки дунёда меҳр-муҳаббат қолади. Уша катта қозонларда дамланаётган ошлар, нозу неъматларнинг ўлганларга савоби тегмайди. Бу тўғрида ҳам тўртлгимиз бор. Ахир ота-оналар айтarkanда фарзандига: Улганда руҳини этмак бўлиб шод, Қабримни тепкилаб кўтарманг фарёд.

шади. Чунки, халқимизнинг бағри илиқ, истараси иссиқ, сўзи ширин. Халқ ўзининг урф-одатларини унутмаслиги керак. Сибёсату иқтисоднинг танглигидан кўп ҳам хафа бўлишининг фойдаси йўқ. Бу давр вақтинча, ўтади-кетеди.

— Болалигини ҳам эсласангиз. Мактабда қандай ўқигансиз?

— Мактабда математика деган фанни ёқтирмасдик, бекор қилган эканмиз. Тирикчилик пайтида ҳисобикитоба адашмас экансиз. Физика, химия, биология... ҳаммаси керак экан. Энди биз она тили ва адабиёт, тарихга кўпроқ қизиққанмиз. Афсуски, тарихни бошқадан ўқиб чиқиш керак... Мактабда кўпроқ драмтуғараклар бўлди. Кичик-кичик спектакл, томошалар кўярдик. Устозларимиздан Эргаш Каримов, Шерқўзи Ғозиев, Абдусаттор Саидов, Аркадий

қийган қизнинг қўлидан бир нарса тушиб кетса борми, текис турган ер ҳам қийшайиб кетиб қолиши мумкин... Шунинг учун биз кўпроқ аёлларимиздаги ифратни ҳимоя қиламиз.

— Хотининг нима иш билан шуғулланадилар, касбигизга муносабатлари қандай?

— Хотиним уй бекаси. Болалар тарбиясига, хонадонимизнинг камуқўстига қараб турадилар. Бизни тушундирган, санъатимизнинг қадрига етдиган кишилардан бири деб биламан. Қолаверса, онасининг дуосини олиб, аёли фарзандлари даврасидаги қувончдан заъқ олиш ҳар қандай хонадон соҳибига лаззат берса керак. Халқда «Кўча хандон, уй зиндон» деган гап бор. Бизда кўчаюм, уй ҳам хандон. Уйда жиддий, кўчада тиржайиб юриш йўқ.

— Энди бу савол бироз ноўрин бўлса уэр. Мана обрўйингиз, пулингиз бор. Қамма данғиллама уй қуряпти, сиз қурмайсиз. Яна «Запорож» миннасиз...

— Данғиллама уй... ким билади энди. Мен доимо ҳазиллашман, кўп пулим кинна солишга кетади, деб. Кўзга яқин йигитимиз. Узингиз

БИЗДА УЙ ҲАМ, КЎЧАДА ХАНДОН

— Мирзабек ака, аввало сизни «тутиб» олганимдан хурсандман. Чунки, сизларни ҳозир бир жойдан топишнинг ўзи амри маҳол. Биз учун вақтингизни ажратганингиз учун раҳмат. Келинг, сўхбатни Мирзабек Холмедов ҳақида ўзингизнинг икки оғиз фикрингиз билан бошласак!

— Нима дейишим мумкин. Мирзабек Холмедов, қисқача қилиб айтганда, ёмон йигит эмас. Онаси Ойсара ая ажойиб аёл. Уч нафар шириндан шакар ўғли: Ойбек — 5, Отбек — 3, Улуғбек — 1 ёшда ва албатта уларни дунёга келтирган Февруза исмли рафиқаси ҳам бор. 1961 йилнинг декабр ойида дунёга келган. Бу дунёдан кетиши ҳали номалъум. Худо хоҳласа, халқига анчагина хизмат қилиш ниятида.

— Умрингиз узоқ бўлсин. Аждоғларингизда бирор санъаткор ўтганми? — Йўқ. Уруғ-аймоғимда санъаткорлар бўлмаган. Лекин санъатга қизиқишим онам (Худо умрларини узоқ қилсин) тўғайли бўлса керак. Онамиз жудаям сўзга усталар. Жуда ширинсухан, кўркам аёллар.

— Касбингиздан нолимайсизми? — Ҳечам. Илгарилари «нега одамлар, қўлини бигиз қилиб кўрсатишадими», «Нега мени кўрса тиржаверадими» дея сиқилардим. «Ахир мен Ҳожибойга ўхшаган кал, Обидга ўхшаб бўйим паст бўлмаса, чиroyликкина йигит бўлсам» (ҳазил). Ҳатто баъзи акалар ҳам мени кўрганда кулиб, «Ҳа, Василий» дегандан кейин имомини комил бўлдики, бу касбдан узоққа қочиб қутулмас эканман. Қолаверса, «ана фалончи келяпти» деса, бирор гапирса яхши-да.

— Мирзабек ака, нимагадир дадангиз ҳақида гапирмадингиз!..

— Отам ҳақида, нима десам экан. Отам мени жудаям кўп артист деб чақирар эдилар. Ешлигимизда жудаям шумтака бўлганимиз учун бўлса керак. Фарихта омин деган экан, чоғи. Ҳаттоки, отамиз оғир ётганларида ҳам ҳамма фарзандларининг номини айтиб чақирибдилар. Кўзлари юмқ, фақат гапирса овозидан таниб, мен келганимда эса артист

Рангингиз сарғайтиб бўлманг мисли хас, Тиркчилик чоғимда эсласангиз бас...

— Шерларингиз қўшиқ бўлган адашмасам.

— Машқ қилиб тураимиз. Ҳозирча Муҳриддин Холиқов «Эй гўзал», «Ошиқлар», «Қандоқ қилай нигорим», Юлдаз эса «Ермисиз-золимисиз?», Рустам Ғоййов «Она эмасму—», «Узбегим ўғлонларим», Дониёр Тошмуҳаммедов «Ҳолим сўраб келинг ёрим» каби шерларимизни қўшиқ қилишган.

— Расман қаерда ишлайсиз?

— Санъат соҳасида, бир йўналишда ишлаётганим йўқ, тўғриси айтсам, мени яқинда Маданият институтига ишга тақлиф этишди. «Оммавий байрамлар режиссураси» деган бўлимга. Уқитувчи бўлиб маҳоратдан дарс бераман. Яқинда мен дарс бераётган курс болалари имтиҳон топширишди. Имтиҳонимизни томошабинлар ҳам, домлалар ҳам яхши қабул қилишди. Домлаликдан ташқари «Ўзбекфильм» киностудиясида филмларга овоз бериш бўйича, кейинги олинаётган киноларда ўзимизга яраша хизматлар бўлса бажаряпмиз. Шунингдек, «Кўзгү» қизиқчилар театримиз бор. Қизил ярим ой жамяти, ноғирон ва ёрдамга муҳтожлар учун ташкил қилган тadbирда хайрия томошасини ўтказдик...

— Мирзабек ака, чет эл саёҳатларингиз бўлдингиз, умумий ҳулосаларингиз қандай?

— Ҳиндистонга бордим, «Алиф ва Лайло» деган филмини суратга олдик. Малайзияга кинофестивалга бориб келдик. Насиб этган экан Америкада ҳам бўлдик, мана. Хулосам... Консертларда ҳазиллашиб гапирман. Америкага бориб келдим, ҳеч ҳам менга ёққан йўқ. Қаёққа қарасангиз тиржайиб тураверадими. Ҳаваяю, ҳавдую, ҳай мистер, вотиэ проблем, дейди. Бу ўзбекчасига «пишириб қўйбдимми», дегани экан. «Во проблем» деб ҳазиллашиб чиқиб кетаверамиз. Ўзбекистончи... Ўзбекистоннинг қаерига борсақ илиқ қилиб оли-

Райкин, Никулинларинг спектаклларини томошалаштирардик.

— Ижро этаётган ҳангомаларингизни бироз ёзиб берадими?

— Бизга ҳеч ким ёзиб бермайди. Уларни ҳаётдан оламиз. Сизга айтиб беришим мумкин. Масалан, пул тўғрисида ҳангома. Ҳозир миллионлар ҳеч нарса эмас. Шуни ҳозир лимон дейишяпти. Содда одам содда-да. Тошкентимизнинг сал нарироғидан келган одам машина олайлик, узоғимизни яқин қилсин деб бозорга тушиб, қараса, бир-иккита йигит машина сотаётган экан. Олдига келиб, ака мошинангиз неча пул, деса, 4 та лимон девобмиз, бу ёғига сўрайверасиз, келишиб, кетаверамиз, деса, «И-я, ака лимон совуқлиги, ўрнига қишқи тарауз берсак бўлмайди», деган экан. Шунга ўхшаб оддий бир ҳангоманинг ўзи ҳаётдан келиб чиқаради-да. Унинг давомиям туғилверади.

Келиб неча пул даяпан мошинани, деса 5 миллион девопмиз депти. Манга қара 4 миллион дегин. Йўғе, қўйсангизчи, 5 миллион девопмиз. Йўқ, 4 миллионга бергин, камбағал ҳам миниб юрсин, дермиш. Камбағалнинг 4 миллион пули бўлгандан кейин ким камбағал Ўзбекистонда?!

— Хотин-қизлар ҳақидаги ҳангома-лар кўпинча бачканадек туюляпти...

— Тўғриси айти айта сизга. Биз ўзбек хотин-қизларини ҳамма вақт ҳимоя қиламиз. Баъзан ноўрин гапларимиз чиқиб кетса, уларнинг дили оғриши мумкин. Афв этишсин. Ҳаётда ҳамма нарса ҳам гўзал бўлавермайди. Шу бачкана гапларни гапирганингизда одамлар жирканади. Кейин одамлар жиркангандан кулади ёки бўлмаса ёқтирмагандан кулади. Оддий бир нарса. Ўзбек хотин-қизларининг кийиниларидан жудаям суюнаман. Ҳеч қанақа «Бурда-мода» керак эмас. Ялтироқ бўлсин, қимматбаҳо бўлсин, лекин ўзларига ярашади. Уларнинг кийган кийимларининг қўлтиғиям очик турмайди, тиззаси ҳам. Лекин баъзи бирлар мини-юбка кийишади. Худо кўрсатмаса, ўша калта қўйлак



МИРЗА ҚУРМАГУР ҲАЛИ «ИЛК ҚИШЛАРИ» ДАЕК ТИК ТУРГАН МИКРОФОННИ ЭНКАЙТИРАДИ-Ю УЗИ ҚОЗИҚ ЮТГАНДА ТИККАСИГА ГАПИРАДИ.

ҳам мана кўзингизни ололмай ўтирибсиз... Фарзандларимизга уй қура-миз, албатта. Лекин тўғриси айтсам нарсага, мулкка ишқибоз эмасман. Энди пешонага ёзилган «Запорож» ҳақида. Тўғри бошқа мошина минсак ҳам бўлади. Кўпчиликдан эшитаман «шу гапни, мен ҳам уларга айтаманки, йи нима қипти. Афанди ҳам эшакда юрган, лекин отда юрганларга қараганда обрўси яхши бўлган.

Знедулла МУЪМИН сўхбатлашди

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЕҚУБОВ, Фарҳод РУЗИЕВ, Муҳаббат ИБОВА, Юсуф ЗИЕД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Урол УЗБЕК, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталиб РИЗОҚУЛОВ, Мейли ЙУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамяти, Муборак туманидаги «Хитой» давлат хўжалиги, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, Сирдарё «Оқ оғтин» дон маҳсулотлари корхонаси.

Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамяти»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино. Телефон: 39-43-95.

Урол УЗБЕК навбатчилик қилди.

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33. Буюртма № Г-557. 19469 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.